



**O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI TRANSPORT VAZIRLIGI HUZURIDAGI
TEMIR YO'LLARDA YUK VA YO'LOVCHILAR TASHISH XAVFSIZLIGINI
NAZORAT QILISH INSPEKSIYASI
«O'ZTEMIRYO'LNAZORAT»**

BUYRUQ

«10» 11 2020 у.

TOSHKENT

№ 26-1512

**Ўзбекистон Республикаси Транспорт
вазирлигининг 2020 йил 29 октябрдаги
“Транспорт соҳасини малакали кадрлар билан
таъминлашга оид янги таҳрирдаги
концепцияни тасдиқлаш тўғрисида”ги 216-сон
буйруғи ижросини таъминлаш ҳақида**

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси раҳбари томонидан 2020 йил 4 сентябрда тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлиги тизимида яширин иқтисодиёт ва коррупцияга қарши курашиш ҳамда унинг олдини олиш юзасидан 2020-2021 йилларга мўлжалланган “Йўл харитаси”да белгиланган топшириқлар ҳамда Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлигининг 2020 йил 29 октябрдаги “Транспорт соҳасини малакали кадрлар билан таъминлашга оид янги таҳрирдаги концепцияни тасдиқлаш тўғрисида”ги 216-сон буйруғи ижросини таъминлаш, шунингдек, инспекциянинг кадрлар масаласидаги фаолиятини янада такомиллаштириш, ички норматив ҳужжатларини коррупцияга қарши курашиш ҳалқаро стандартларига мувофиқлаштириш мақсадида

БУЮРАМАН:

1. Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлигининг 2020 йил 29 октябрдаги “Транспорт соҳасини малакали кадрлар билан таъминлашга оид янги таҳрирдаги концепцияни тасдиқлаш тўғрисида”ги 216-сон буйруғи билан тасдиқланган янги таҳрирдаги “Транспорт соҳасини малакали кадрлар билан таъминлашга оид концепция” (“Транспорт вазирлигининг кадрлар сиёсати”, “Ишга қабул қилиш учун танлов ва лавозимга тайинлаш тартиби”, “Транспорт вазирлиги марказий аппарати, ҳудудий бўлинмалари ва унинг тузилмасига қиравчи идоравий мансуб ташкилотларнинг раҳбар кадрларини лавозимларга тайинлаш механизми”, “Транспорт вазирлигининг марказий аппарати, ҳудудий бўлинмалари ва идоравий мансуб ташкилотлари ходимларининг одоб-ахлоқ қоидалари”, “Транспорт вазирлигининг одоб-ахлоқ комиссияси тўғрисидаги низом”, “Транспорт вазирлигининг одоб-ахлоқ комиссияси таркиби”, “Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлиги тизимида манфаатлар тўқнашувини бошқариш тўғрисида тартиб”) (кейинги ўринларда концепция деб юритилади) раҳбарлик ва ижро учун қабул қилинсин.

2. Концепциянинг 2-илова, 6-бўлим, 17-банди талабларига мувофик, “Ўзтемирйўлназорат” инспекциясига ишга кириш учун номзодларни тестдан ўтказиш босқичини ташкил этиш бўйича ишчи гуруҳи таркиби 1 - иловага мувофик тасдиқлансин.

Ишчи гуруҳ (Абдурахманов) ўн кунлик муддатда номзодларни тестдан ўтказиш босқичини ташкил этиш учун уч (ижтимоий-сиёсий ва ҳуқуқий, ахборот технологиялари, касбий мутахассислик) йўналишдан иборат дастлабки саволлар рўйхатини ишлаб чиқиш таъминлансин. Саволларда қайд этилган масалаларнинг долзарблиги, моҳиятан ўзгариши ёки бекор қилиниши мумкинлигини инобатга олган ҳолда саволлар рўйхати тизимли тарзда янгиланиб бориши белгилансин.

Ахборот – коммуникация технологияларини жорий этиш ва ривожлантириш бўлими (Набиев) ишга кириш истагини билдирган номзодлар учун электрон тест тизимини яратиш таъминлансин.

3. Қўйидагилар:

“Ўзтемирйўлназорат” инспекциясининг одоб-ахлоқ комиссияси тўғрисидаги низом 2 - иловага;

“Ўзтемирйўлназорат” инспекциясининг одоб-ахлоқ комиссияси таркиби 3 - иловага мувофик тасдиқлансин.

4. Инспекция бошлиғининг қўйидаги буйруқлари:

2020 йил 28 февралдаги “Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлигининг 2020 йил 14 январдаги “Транспорт соҳасини малакали кадрлар билан таъминлашга оид концепцияни тасдиқлаш тўғрисида”ги 6-сон буйруғи ижросини таъминлаш ҳақида”ги ХБ-9к-сон;

2020 йил 27 июлдаги “Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирининг 2020 йил 13 июлдаги “Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлигининг 2020 йил 14 январдаги “Транспорт соҳасини малакали кадрлар билан таъминлашга оид концепцияни тасдиқлаш тўғрисида”ги 6-сон буйруғига қўшимча ва ўзгартириш киритиш тўғрисида”ги 142-сонли буйруғи ижросини таъминлаш ҳақида”ги 96-сон;

2019 йил 28 июндаги “Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлиги ҳузуридаги Темир йўлларда юк ва йўловчилар ташиш хавфсизлигини назорат қилиш инспекцияси ходимларининг одоб-ахлоқ қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида”ги 136-сон буйруқлари ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

5. Жисмоний ва юридик шахслар мурожаатлари билан ишлаш ва ижро назорати бўлими бошлиғи (Исмоилов) ушбу буйруқ марказий аппарат бўлинмалари, ҳудудий филиалларга етказилиши таъминлансин.

6. Мазкур буйруқ ижроси назоратини ўз зиммамда қолдираман.

Инспекция бошлиғи в.б.



Д.Ахмедов

**“Ўзтемирйўлназорат” инспекциясига ишга кириш учун номзодларни
тестдан ўтказиш босқичини ташкил этиш бўйича ишчи гуруҳи
ТАРКИБИ**

- | | |
|--|---|
| 1. Абдурахманов Аъзам
Абдулхаевич | Инспекции бошлиғи ўринбосари, ишчи гуруҳи
раиси ўринбосари |
| 2. Хайриддинов Фирдавс
Низомиддинович | Инспекция бошлиғининг матбуот котиби -
ахборот сиёсати масалалари бўйича
маслаҳатчиси, ишчи гуруҳи аъзоси |
| 3. Халмухамедов
Иззатулла
Патхиллаевич | Норматив-технологик бўлим бошлиғи в.б.
ишчи гуруҳи аъзоси |
| 4. Нурхожаев Дилмурад
Набиевич | Темир йўлларда юк ва йўловчилар ташиш
хавфсизлигини назорат қилиш бўлими бошлиғи |
| 5. Камилов Фарход
Толипович | Кўтарма иншоотлар, буғ қозонлари ва
идишлардан хавфсиз фойдаланишни назорат
қилиш бўлими бошлиғи |
| 6. Валиев Нодир
Тахирович | Тошкент филиали бошлиғи |
| 7. Исраилов Рауф
Норматович | Бош юрисконсульт, ишчи гуруҳи аъзоси |
| 8. Исмоилов Комил
Сафарович | Жисмоний ва юридик шахслар мурожаатлари
билан ишлаш ва ижро назорати бўлими бошлиғи,
ишчи гуруҳи аъзоси |
| 9. Кенжаева Феруза
Машрабовна | Кадрлар бўйича бош мутахассис, ишчи гуруҳи
котиби |

*Изоҳ: Комиссия аъзолари бошқа ишга ўтган тақдирда, унинг таркибига
ушбу лавозимларга янгидан тайинланган ёки зиммасига тегишли функцияларни
бажариш юкланган шахслар киритилади.*

**“Ўзтемирйўлназорат” инспекциясининг одоб-ахлоқ комиссияси тўғрисидаги
НИЗОМ**

1. Одоб-ахлоқ қоидаларининг бузилиши “Ўзтемирйўлназорат” инспекциясининг одоб-ахлоқ комиссияси (кейинги ўринларда - комиссия деб аталади) томонидан кўриб чиқилади.

2. Комиссия раис, масъул котиб ва камида 5 нафар аъзодан иборат таркибда ташкил этилади.

3. Комиссия таркиби инспекция бошлиғи томонидан тасдиқланади.

4. Комиссия ўз ваколатлари доирасида:

Инспекция марказий аппарати ҳамда ҳудудий филиаллари ходимлари (кейинги ўринларда – инспекция ходимлари деб юритилади) томонидан одоб-ахлоқ қоидаларини, шунингдек умумий қабул қилинган маънавий-ахлоқий нормаларни бузувчи хатти-ҳаракатлар (ҳаракатсизлик) ва қилмишлар содир этилиши билан боғлиқ масалаларни кўриб чиқади;

жисмоний ва юридик шахсларнинг инспекция ходимларининг хатти-ҳаракати юзасидан алоҳида шикоятларини кўриб чиқади;

инспекция ходимлари ўртасида одоб-ахлоқ қоида бузилишларининг олдини олишга йўналтирилган комплекс чора-тадбирларни амалга оширади;

Комиссия мажлислари яқунлари бўйича тегишли қарор қабул қилади;

Одоб-ахлоқ қоидаларини такомиллаштиришга доир таклифлар ишлаб чиқади.

5. Комиссия ишларини ташкил этиш ва Комиссия қарорлари бажарилишини назорат қилиш Комиссиянинг масъул котиби (кейинги ўринларда масъул котиб деб аталади) томонидан амалга оширилади.

6. Комиссия мажлислари заруриятга кўра ўтказилади.

7. Комиссия мажлисини комиссия раиси ёки унинг топшириғига кўра - Комиссия аъзоларидан бири юритади.

8. Комиссия мажлислари, агар унда комиссия аъзолари умумий сонининг камида учдан икки қисми иштирок этса ваколатли ҳисобланади.

9. Комиссия мажлисида баённома (протокол) юритилади.

10. Комиссия раиси:

комиссия ишини ташкил этади;

комиссия мажлисларини чақиради ва ўтказди;

комиссия аъзоларига топшириқлар беради;

йиғилишларда комиссия фаолияти тўғрисида ахборот беради.

11. Масъул котиб:

комиссия мажлисида кўриб чиқиш учун материалларни тайёрлайди

ва уларнинг сақланишини таъминлайди;

комиссия аъзоларини ва бошқа манфаатдор шахсларни Комиссия мажлиси ўтказиладиган сана, вақт ва ўтказиш жойи тўғрисида хабардор қилади;

комиссия аъзоларининг ва манфаатдор шахсларнинг мажлисда иштирок этишини текширади, келмаганлиги сабабларини аниқлайди ва бу тўғрисида Комиссия раисига ахборот беради;

комиссия мажлислари баённомаларини юритади;

раислик қилувчининг комиссия мажлисларини тайёрлаш ва ўтказиш билан боғлиқ бўлган бошқа топшириқларини, шунингдек қоидаларга мувофиқ бошқа функцияларни бажаради.

12. Комиссия аъзоси комиссия мажлисида қатнашиши ва ўзига юкланган вазифаларни бажариши шарт.

Комиссия аъзоси комиссия мажлисида қатнашиши имконияти бўлмаганда комиссия раисини олдиндан хабардор қилиши шарт.

13. Комиссия аъзоси:

комиссия томонидан кўриб чиқиладиган барча масалалар бўйича овоз бериш;

комиссия кўриб чиқиши учун масалалар бериш ва таклифлар киритиш;

қарорларни тайёрлаш, муҳокама қилиш ва қабул қилишда, шунингдек уларнинг амалга оширилишини ташкил этишда ва бажарилишини назорат қилишда иштирок этиш;

кўриб чиқиладиган масала бўйича ҳужжатлар, маълумотномалар ва бошқа зарур маълумотлар билан танишиш;

комиссия қароридан рози бўлмаган тақдирда ўз фикрини баён қилиш ҳуқуқига эга.

Одоб-ахлоқ қоидалари ижроси мониторингини олиб бориш

Одоб-ахлоқ қоидалари бузилиши билан боғлиқ масалаларни кўриб чиқиш ва қарор қабул қилиш тартиби

инспекция ходимлари томонидан Одоб-ахлоқ қоидаларига риоя қилиш мониторинги комиссия ҳамда Кадрлар бўйича бош мутахассис томонидан олиб борилади.

15. Комиссия одоб-ахлоқ қоидалари бузилиши билан боғлиқ масалаларни:

инспекция бошлиғи ва унинг ўринбосарининг топшириғига биноан;

комиссиянинг масъул котиби ва аъзоларининг ташаббуси билан;

инспекция бўлинмалари бошлиқларининг мурожаатига кўра;

жисмоний ва юридик шахсларнинг инспекция ходимининг хатти-ҳаракати юзасидан алоҳида шикоятлари асосида Жисмоний ва юридик шахслар мурожаатлари билан ишлаш ва ижро назорати бўлими бошлиғининг мурожаати бўйича (жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ва муддатларда кўриб чиқилади);

инспекция ходимларининг мурожаатлари бўйича кўриб чиқади.

16. Комиссияга мурожаат ёзма шаклда берилиши ва унда инспекция ходими

томонидан содир этилган одоб-ахлоқ қоидаларини, шунингдек умумий қабул қилинган маънавий-ахлоқий нормаларни бузувчи ҳаракатлар (ҳаракатсизлик) ва қилмишлар тўғрисидаги маълумот мавжуд бўлиши керак.

17. Инспекция ходими комиссияга унинг ҳуқуқлари, шаъни ва кадр-қимматига, ишбилармонлигига даҳл қилувчи асосланмаган мурожаат берилган тақдирда уларни қонун ҳужжатларига мувофиқ ҳимоя қилиш ҳуқуқига эга.

18. Комиссияга берилган мурожаат, комиссия мажлиси бошлангунга қадар унинг ташаббускори томонидан қайтариб олиниши мумкин.

19. Комиссия мажлисига, ҳақиқий ҳолатларни аниқлаш ва ҳолисона қарор қабул қилиш мақсадида, ўзига нисбатан комиссияда иш кўриб чиқиладиган инспекция ходими, зарурият бўлган тақдирда эса - комиссияга мурожаат қилган шахс ва бошқа шахслар таклиф этилади.

Комиссияда ўзига нисбатан иш кўриб чиқиладиган, комиссия мажлиси ўтказиладиган вақт ва жой тўғрисида зарур тарзда хабардор қилинган инспекция ходимининг келмаганлиги комиссиянинг мажлисини ўтказиш ва тегишли қарор қабул қилиш учун тўсиқ ҳисобланмайди.

20. Комиссия мажлисида:

Комиссиянинг кун тартибидаги масала ва комиссияда ишни кўриб чиқишга сабаб бўлган асос;

Комиссияда ўзига нисбатан иш кўриб чиқиладиган инспекция ходими, зарурият бўлган тақдирда эса - комиссияга мурожаат қилган шахслар тўғрисидаги маълумотлар эълон қилинади.

21. Комиссияда ўзига нисбатан иш кўриб чиқиладиган инспекция ходими:

комиссия томонидан ўзига тегишли масалани кўриб чиқиш бўйича ҳужжатлар, маълумотномалар ва бошқа зарур маълумотлар билан танишишга;

ўз ҳуқуқларини, шаъни ва кадр-қимматини ҳимоя қилиш учун материаллар ва бошқа маълумотларни тақдим этишга ҳақли.

22. Комиссиянинг қарорлари кўпчилик овоз билан очик овоз бериш орқали қабул қилинади. Овозлар тенг бўлган тақдирда Комиссия раисининг овози ҳал қилувчи ҳисобланади.

23. Комиссия аъзоларининг ва комиссия мажлисларида қатнашган шахсларнинг комиссия иши давомида ўзларига маълум бўлган махфий маълумотларни ошкор қилиши тақиқланади.

24. Қоидаларнинг бузилиш ҳолатини кўриб чиқиш натижалари бўйича комиссия томонидан қоида бузилишининг мавжудлиги (йўқлиги) тўғрисида хулоса чиқарилади. Бир вақтнинг ўзида инспекция раҳбарияти кўриб чиқиши учун қонунбузилиш ҳолатини содир этган инспекция ходимини жавобгарликка тортиш тўғрисида таклиф киритилади. Йўл қўйилган қоида бузилишининг хусусияти ҳисобга олинган ҳолда комиссия инспекция ходимига нисбатан одоб-ахлоқ қоидалари бузилишига йўл қўймаслик тўғрисидаги огоҳлантириш билан чекланиши мумкин.

25. Комиссиянинг қарори баённома (протокол) билан расмийлаштирилади, у

раислик қилувчи томонидан тасдиқланади ҳамда комиссиянинг масъул котиби ва аъзолари томонидан имзоланади.

26. Комиссия мажлиси баённомасининг (протоколининг) нусхаси ёки ундан кўчирма ўзига нисбатан комиссиянинг тегишли қарори қабул қилинган инспекция ходимининг шахсий ҳужжатлари йиғмажилдига қўшиб қўйилади.

27. Комиссиянинг қарори юзасидан ходим томонидан иш инспекция раҳбарига шикоят қилиниши мумкин. Инспекция раҳбарилик комиссиянинг қарорини бекор қилиш ва ўз ваколатлари доирасида бошқа қарор қабул қилишга ҳақли.







**Ўзтемирийўлназорат” инспекциясининг одоб-ахлоқ комиссияси
ТАРКИБИ**

- | | |
|--|--|
| 1. Ахмедов Дониёр
Бахтиёрович | Инспекции бошлиғи, комиссия раиси |
| 2. Абдурахманов Аъзам
Абдулхаевич | Инспекции бошлиғи ўринбосари, комиссия раиси
ўринбосари |
| 3. Мадаминова Дилфуза
Иминджановна | Инспекция касаба уюшмаси кўмитаси раиси,
комиссия аъзоси |
| 4. Хайриддинов Фирдавс
Низомиддинович | Инспекция бошлиғининг матбуот котиби -
ахборот сиёсати масалалари бўйича
маслаҳатчиси, комиссия аъзоси |
| 5. Исраилов Рауф
Норматович | Бош юрисконсульт, комиссия аъзоси |
| 6. Исмоилов Комил
Сафарович | Жисмоний ва юридик шахслар мурожаатлари
билан ишлаш ва ижро назорати бўлими бошлиғи,
комиссия аъзоси |
| 7. Кенжаева Феруза
Машрабовна | Кадрлар бўйича бош мутахассис, комиссия
масъул котиби |

*Изоҳ: Комиссия аъзолари бошқа ишга ўтган тақдирда, унинг таркибига
ушбу лавозимларга янгидан тайинланган ёки зиммасига тегишли функцияларни
бажариши юкланган шахслар киритилади.*

Инспекциянинг 2020 йил “_____” _____ даги “Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлигининг 2020 йил 29 октябрдаги “Транспорт соҳасини малакали кадрлар билан таъминлашга оид янги таҳрирдаги концепцияни тасдиқлаш тўғрисида”ги 216-сон буйруғи ижросини таъминлаш ҳақида”ги _____ -сон буйруғи

Келишилган:

Лавозими	Ф.И.Ш.	Имзо
Инспекция бошлиғи ўринбосари	А.Абдурахманов	
Бош бухгалтер	Матниязов А.М.	
Бош иқтисодчи	Хасанов Н.Х.	
Кадрлар бўйича бош мутахассис	Кенжаева Ф.М.	
Қасаба уюшмаси қўмитаси раиси	Мадаминаова Д.И.	
ГИБ	Нурхожаев Д.Н.	
НРГИ-1	Валиев Н.Т.	
ГИК	Камилов Ф.Т.	
ГИН	Халмухамедов И.П.	
ГИС	Хайриддинов Ф.Н.	
ГИО	Исмаилов К.С.	
ГИА	Киященко Н.А.	
ГИИКТ	Набиев Ш.А.	
Бош юрисконсулт	Исраилов Р.Н.	